Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФ БУЮРГАН КОЛЛЕЖ
3 TV-ДАСТУРИ
4 *Катта майдонга йўл* СПОРТ-ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 август, шанба № 112 (759)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни соат 1О да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига**

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 17 август куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

«Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши 18 август куни соат 9.3О да Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказилади. Шу куни «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисда ўтказилади.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятларда, шунингдек, айрим вазирликларда бўлиб ўтган дастлабки босқичларида ғолиб чиққан ва мавзуи, оҳанги, ижроси ранг-баранг элликка яқин асар ижро этилди. Республикамизнинг таниқли бастакор, шоир, хонандаю созандаларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати уларни муносиб баҳолаб борди.

Танлов натижасига кўра «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Фарғона бўлимининг хонандаси Шаҳло Рустамова ижро этган ва халқимизни доимий ҳушёрликка даъват этувчи «Огоҳ бўлинг!» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Қўшиқ сўзини Иномжон Турсунов, мусиқасини хонанданинг ўзи ёзган.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ижодий жамоаси ижро этган «Соғиниб уйғонар тонглар», сурхондарёлик Манзура Қодирқулова «Алпомишни куйлаб», навоийлик Шерзод Остонов куйлаган «Дунёларни қучди ўзбек деган ном» қўшиқлари иккинчи ўринга, Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси ижросидаги «Ўзбекистон», Ички ишлар вазирлиги вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳамроқулов ижросидаги «Ватаним - Ўзбекистон», Сирдарё вилоятидан Шерзод Одинаев ижро этган «Биз озод болалармиз» қўшиқлари учинчи ўринга сазовор бўлди. Барча ғолибларга дипломлар, ҳомий ташкилотларнинг совринлари топширилди. Улар энди 15 август - мамлакатимизда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кенг нишонланадиган кунда Халқлар Дўстлиги саройида бўладиган катта гала концертда иштирок этадилар.

Танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзбекистон қўшиқ байрами»ни тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ПОЙТАХТДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Тошкент шаҳри ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг якунлари муҳокама қилинган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасида ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда пойтахт туманларининг ҳокимлари, Давлат мулк қўмитаси, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд ва бошқа ташкилотларнинг Тошкент шаҳар бўлинмалари раҳбарлари иштирок этди. Семинар-кенгашни Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов бошқарди.

Корхоналарнинг акцияларини эркин алмаштириладиган валютага сотиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари, шунингдек кичик ва ўрта бизнесга ёрдам кўрсатиш, тўрачиликка йўл қўймаслик, тадбиркорларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашишнинг олдини олиш чоралари кўриб чиқилди.

Семинар-кенгашда Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси В.Чжен сўзга чиқди.

## «ГУЛБАРЧИН» — АЁЛЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Мамлакат мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида республикамиздаги яна бир сиҳатгоҳда қурилиш ишлари поёнига етди. Бу - Чимбой шаҳридан 20 километр узоқликда жойлашган «Тозажўл» овулидаги «Оналар ва болалар» санаторийсидир.**

Биз мазкур иншоот қурилиши ниҳояланиши арафасида бу ерда бўлдик. Даставвал сиҳатгоҳнинг ўрни нима учун айнан шу жойда, овлоқ, олис овулда танлангани билан қизиқдик. Чунки, ундан сал нарида, аниқроғи икки ярим километр шимолроқда шифобахш маъданли суви билан маълум ва машҳур «Иссиқ булоқ» санаторийси жойлашган. Биз сўз юритаётган саломатлик маскани ўрни танланган «Минжуйли» овули 60-йилларда собиқ «1-май» чорвачилик совхозининг бўлимчаси бўлган экан. Чорвадорлар учун артезиан қудуқ қазилаётган пайтда 350 метр чуқурликда иссиқ сув фаввора бўлиб отилади. Шу ерлик кишилар қудуқ атрофига ҳовуз қазиб, чўмиладилар ва даво топиб, ҳаракат органларидаги касалликлардан фориғ бўлишади. Белига қувват, тиззасига мадор энади. Қисқа муддатдаёқ шифобахш сувнинг довруғи довон ошади. Хуллас, Қорақалпоғистондан ташқари Хоразм, Бухоро вилояти, қўшни Қозоғистоннинг Қизил Ўрда туманларидан ҳам одамлар келиб даволанади, дардига даво топишади.

Олимлар сувнинг таркибини Тошкент, Нукус шаҳарларидаги махсус лабораторияларда аниқлаб, унинг ғоят шифобахш эканлигини эътироф этишади. Тасодифни қаранг-ки, бу ердан уч километр нарироқда салкам минг метр чуқурликдан 41 даража иссиқликдаги маъданли иссиқ сув отилиб чиқади. Шарт-шароитлар обдон ўрганилиб, бу ерда махсус санаторий қуришга қарор қилинади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши янги сиҳатгоҳ учун буюртмачи бўлади.



Қурилиш ишлари эса «Оролсувқурилиши» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлинмалари зиммасига топширилади. Иншоот учун 1991 йил баҳорида салкам уч ярим миллион сўмлик маблағ ажратилади. Тўғрисини айтиш лозим, ўтган даврда маблағ етишмаслиги баҳонасида бу ерда ишлар тўхтаб қолган пайтлар ҳам бўлди. Президент И.Каримов томонидан 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши, оналик ва боланикни том маънода муҳофаза қилишга киришилиши, соғлом авлодни вояга етказиш асосий мақсад қилиб қўйилиши қурилишда бурилиш бўлишида муҳим рол ўйнади.

Оролбўйи аҳолиси учун ғоят зарур бўлган иншоотдаги қурилиш-монтаж ишларини асосан Чимбойдаги 6-,18-қурилиш бошқармаларининг махсус бригадалари олиб борди. Айниқса бошқарма бошлиғи Тоир Қурбонов, бош муҳандис Бегдулла Убаев, прораб Айитбой Сетирзаев, ишчилар ва бригада бошлиқларидан Ўрозбой Ўтамуродов, Ниетбой Қутлимуродов, Усмон Қаландаров, Отамурод Шинабеков, Айтуган Сагудуллаев, Мурод Конхўжаев, Жолдас Алшинбоевлар кунни тунга улаб астойдил меҳнат қилишди.

Даволаш корпусида ҳозирги пардозлаш ишларини юқори суръат ва аъло сифат билан олиб бораётган йигитлар қурилишда жонбозлик кўрсатган азаматлардан яна бири - Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Абай Кўнғиротбоев тўғрисида жуда илиқ гаплар айтишди. Асли касби қурувчи бўлган А.Кўнғиротбоев кейинги уч ой мобайнида ҳар куни иншоотда бўлиб, зарур материалларни топишда, бу ердаги мураккаб об-ҳаво шароитида меҳнат қилаётганларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бошқош бўлди. Катта-ю кичикнинг меҳрини қозонди.

Ҳамжиҳатлик билан иш олиб борилиши натижасида қутлуғ байрам-Мустақилликнинг саккиз йиллиги олдидан экологик ноҳуш вазиятда истиқомат қилувчи меҳнаткашлар, айниқса аёллар муносиб совға олди: санаторий қурилиши муваффақиятли тамомланди. Сиҳатгоҳга муносиб ном-Алпомишнинг садоқатли ёри-Гулбарчин номи берилди.

Унга асли шу овулда туғилиб ўсган, тажрибали шифокор Пўлат Айитмуродов бош шифокор этиб тайинланибди.

— Сиҳатгоҳ 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, асосан оналар ва болалар даволанади, - дейди П.Айитмуродов. - Даволаш 960 метр чуқурликдан чиқадиган, таркибида йод, бром бўлган ҳамда 425 метр чуқурликдан олинадиган 27 даража иссиқликдаги маъданли сувлар билан олиб борилади. Муболаға қилаяпти деманг-у, нафсиламбрини айтганда маъданли сувларнинг шифобахшлиги Трускавецдаги нафтусли сувлардан асло қолишмайди. Вазифа ана шу неъматдан оқилона фойдаланиб, оналаримиз ва болаларимиз саломатликларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунингдек, гинекологик, терапия ва стамотология йўналишидаги беморлар ҳам даволанади. Бугунга келиб ҳар бири икки ўринли 40 хонадан иборат ётоқхона, даволаш корпуси, ошхона, маданий-маиший хизмат мажмуи, қозонхона, хўжалик бўлими ва 8 оилага мўлжалланган 4 та коттеж қурилиши тамомланди. 150 ўринли клуб қурилиши қизғин давом этмоқда. Сиҳатгоҳнинг умумий майдони 58 гектарни ташкил этади. Шундан 33 гектари суғориладиган ерлар, 3 гектари эса боғдан иборат. Демак ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, деҳқончилик билан шуғулланиш, шундай қилиб ўзимизни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш имкони бор.

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгашидан маълум қилишларича, «Гулбарчин» санаторийси мустақиллигимизнинг тўққизинчи йили дастлабки куни, яъни 2 сентябрда 75 нафар аёл ва болани қабул қилишга тайёр экан. Қалбимизда ширин туйғулар кечиб, шундай тилак билдиргимиз келди: азиз оналаримизнинг, келажагимиз эгалари-болаларимизнинг саломатликлари ҳамиша мустаҳкам бўлишларида афсонавий садоқат рамзи-Гулбарчин момомиз руҳи мададкор бўлсин!

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ





*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## УШАЛГАН ОРЗУ

Хўжалигимиз ишлаб чиқаришида аёллар катта куч. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бозор қийинчиликлари муваффақиятли енгиб ўтилмоқда. Хусусан, сўнгги икки йил ичида маҳсулот етиштириш сезиларли даражада кўпайиб, иқтисодий аҳвол яхшиланди. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда барча қарзлардан қутуламиз. Хўжалик бошқаруви хотин-қизларнинг унумли ишлаши, кўнгилли дам олиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Боғлалар боғчаси, қишлоқ врачлик амбулаторияси, маиший хизмат муассасалари, 2 та кутубхона намунали фаолият юритмоқда. Мажуд 13 та дала шийпони тўлиқ таъмирланиб, деҳқонлар оромгоҳига айлантирилди. Уларнинг ёнида томорқа ва ёрдамчи хўжалик ташкил этилган.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, хотин-қизлар учун ғоят зарур бўлган тикув цехи, пардозхона, кимёвий тозалаш каби маиший хизмат турлари яхши ривожланмаган. Раис Қурбон Шодиевнинг таъкидлашича, бу йил ҳар қачонгидан кўп даромад олиш кутилмоқда. Демак, муаммолар ҳал этилиб, аёллар орзулари рўёбга чиқади.

**А.КАРИМОВА,**
**Самарқанд вилоятидаги «Самарқанд» жамоа хўжалиги хотин-қизлар кенгаши раиси.**

## ОИЛАНИНГ КАТТА ДАРОМАДИ

Деҳқонобод туманида истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, яхши ҳаёт кечираётган оилалар кўп. Халқ маорифи жонкуярларидан бири Маҳматулла Жуманов ва унинг фарзандларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Уларни том маънода омилкорлар деб таърифлашади. Боиси, 15 сотиҳдан иборат томорқада бир йилда беш-олти хил маҳсулот олишга эришилмоқда. Оила аъзолари картошка, пиёз, сабзи, помидор етиштиришнинг ҳадисини олишган. Хонадонга кўрк бағишлаган узумлар шиғил ҳосилга кирган. Маҳматулла аканинг таъкидлашича, бир йилда камида икки тонна узум сотишаркан. Бу камида 100 минг сўм деган гап.

Аҳил хонадонда 2 бош сигир, битта новвос, ўнга яқин қўйлар парваришланмоқда. Демак, улар бир йилда камида 1 миллион сўм даромад қилишади.

- Бозор шароитида ҳар бир инсон ўз кучига ишониши, омилкор, ташаббускор бўлиши зарур, - дея фикрини ифодалайди М.Жуманов. - Ниманидир кутиш ёки кимларнингдир ёрдамига кўз тиккан инқирозга юз тутади. Бизда томорқа катта даромад манбаига айланган. Шунинг ҳисобидан қўша-қўша тўйлар қилдик, уйлар қурдик. Бунинг учун фармон чиқариб, қишлоқ кишиларини томорқали қилган меҳрибон Президентимизга раҳматлар айтамиз.

Деҳқонобод туман марказининг чеккасида жойлашган мазкур маҳаллага сув қийинчилик билан келади. Шу боис ҳамма ҳам томорқани яшнатишни уддасидан чиқа олмаяпти. Маҳматулла ака 300 метр пастликдаги сойдан мотор ёрдамида экинзорларига сув чиқарди. Омилкорга омад ёр деб, шунга айтадилар-да.

**Ҳ.ТЎРАЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## Қишлоқ шифо масканлари

*Фориш туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Янги маданий-маиший ва савдо хизмати корхоналари очилмоқда. Жумладан, куни кеча туман марказидан 55 километр олисда жойлашган Ухум қишлоғида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Саломатлик маркази қурилишига қарийб 15 миллион сўм сарфланди.*

*Тумандаги Михин қишлоғида ҳам шундай даволаш маскани ишга тушди.*

*Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати*

## МИЛЛАТ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛМИЗ

**1. Мустақиллик, эркинлик, озодлик қадрига етиш керак, деганда нимани тушунасиз?**

**2. Ўтган 8 йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангиз, Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз. Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?**

**3. Ватанпарварлик ва миллий ғурур - бу сизни нималарга даъват этади?**

**Анкета саволларига Ромитан туманидаги Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Руҳилло САЪДИЕВ жавоб беради:**

1. Юрт мустақиллиги, эркинлиги, озодлиги ҳақида ўйлаганимда қалбим ифтихор туйғуларига тўлади. У бизга энг аввал ўзлигимизни англаш имконини берди. Натижада биз юрт, Ватан, миллат тақдирига масъул эканлигимизни теранроқ англай бошладик.

Муте бўлиб яшаган давримизни бир эслайлик. Унда қадр-қимматимиз оёқ ости қилинди. Тилимиздан, динимиздан, ўтмиш тарихимиз ва маданиятимиздан айрича ҳолда яшадик.

Фақат истиқлол туфайлигина буларнинг барига чек қўйилди. Бугун Ўзбекистон буюк ўзгаришлар ва имкониятлар мамлакати сифатида тилга олинаётир. Шундай экан, мустақилликни қадрига етиш, озод мамлакатнинг озод фарзанди сифатида юрт ободлиги, эл фаровонлиги учун курашмоқ барчамизнинг бурчимиздир.

2. Юртбошимизнинг биз раҳбарларга қарата айтган қуйидаги сўзларини қалбимдан қайта-қайта ўтказаман: «Мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у аввало маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини одамлар онггига сингдирилмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўқ». Жуда топиб айтилган гаплар.

Саккиз йилда эришилган ютуқлар, ўзгаришларни бирма-бир санаб, адоғига етиш қийин. 3 та йирик жамоа аҳлини бирлаштириб турган фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Йиғин ўрамида 32 та қишлоқ мавжуд. 5 та мактаб, 2 та касб-ҳунар лицейи, 2 та коллеж, 1 та гимназия, 1 та поликлиника ҳамда юқумли касалликлар шифохонаси аҳолига хизмат кўрсатиб турибди. Кейинги икки йил ичида 4 та қишлоқ ҳакимлик маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Газлаштириш тўла-тўкис охирига етказилди. Барча оилаларимиз «зангори олов»дан баҳраманд. Оролбўйи дирекциясининг мадади билан энг чекка қишлоқларимизга қадар ичимлик сувини етказиш режаларини ишлаб чиқдик. Демак, яқин орада бу муаммо ҳам ҳал қилинади.

Шунингдек, Аёллар йилини муваффақиятли якунлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ижросига алоҳида эътибор билан ёндошаяпмиз. 11 кишидан иборат ҳудудий комиссия моддий ёрдамга муҳтож оилалардан тушаётган аризаларнинг барчасини адолатли ҳал қилишга ҳаракат қилаётир. Агар 1997 йилда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг ойлик салмоғи ўртача 68-70 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб бу миқдор 189-200 минг сўмга тўғри келмоқда. 465 нафар она (боласи 2 ёшгача бўлган)га нафақа пуллари ўз вақтида тарқатилаяпти. 16 ёшгача бўлган кўп болали оналарга ҳар ойнинг 25- кунига қолмай нафақалар етказиб берилмоқда.

Участка нозирлари, халқ посбонлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари эвазига ҳудудимизда майда ўғриликлар, вояга етмаган ўсмирлар орасидаги жиноятчиликка мойил ҳолатлар барҳам топаётир. Бунда мунтазам ўтказилаётган мулоқот ва жонли суҳбатларнинг самараси каттадир. Туман ёшларининг «Камолот» жамғармаси, маънавият маркази ходимлари ҳамда халқ таълими бўлими, ички ишлар идораларининг вакиллари, тиббиёт ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилганлиги ҳам умумий ишимизнинг яхшиланишига йўл очаяпти. Шодмон Ашуров, Идибой Саидов, Нурбек Муродов, Номоз Шоҳфақиров, Зулфия Бобоева, Фазолат Эргашева, Убайдулло Остонов, Боймурод Бозоров сингари фаолларимиз бор экан, юкимиз ҳеч қачон ерда қолмаслигига ишонамиз.

Мустақиллик байрами арафасида 6 нафар кичкинтойнинг суннат тўйлари ўтказилди. Унда тадбиркорларимизнинг хизматлари катта бўлди. Ўз меҳр-мурувватини дариғ тутмай, ҳамқишлоқлари ташвиши ва қувончига шерик бўлаётган «Одил» фермер хўжалиги етакчиси Нарзулло Восиевни, шунингдек Аҳмад Раҳматов, Карим Асадов, Ражаб Омонов, Фазолат Ҳамраевалар эзгу ишлари билан кўпчилик дуосини олмоқдалар.

3. Имом ал-Бухорийнинг «Солиҳ амаллари» рисоласида шундай битиклар бор: «Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз». Ватанга, шу азиз тупроққа содиқликни намоён этиб, юртбошимиз атрофида янада жипслашсак, атрофимиздаги қўни-қўшнимизга, ёру биродарларимизга фақат эзгулик, яхшилик, саховатпешалик қилсаккина, иншооллоҳ, албатта, тезроқ муродимизга етгаймиз.

